

**МАКТАБГАЧА, УМУМИЙ ЎРТА,
ПРОФЕССИОНАЛ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ
ТИЗИМЛАРИДА ЧАҚИРУВГА ҚАДАР
БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ
УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
К О Н Ц Е П Ц И Я С И**

Тошкент – 2020

МУНДАРИЖА

1-боб. Умумий қоидалар	3
2-боб. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарликнинг амалдаги жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар	4
3-боб. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарликнинг концепциясининг асосий мақсади ва ривожланишининг устувор йўналишлари	9
1-§. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарликнинг ўқув фанининг тузилиши ва мазмуни	10
2-§. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарликнинг фанининг ўқув-методик таъминотини ривожлантириш	11
3-§. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанининг моддий техник таъминотини ривожлантириш	13
4-§. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни таълими жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш орқали инновацион инфратузилмани шакллантириш	14
5-§. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни фани бўйича битирувчиларга қўйиладиган талаблар	14
4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар	18

Иловалар

1-боб. Умумий қондалар

1. Ўзбекистон Республикаси мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарликфанини ўқитишни ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли Қарори, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли ҳамда 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли ва ва2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари, 2025 йилгача Ўзбекистон саноатининг ривожланиши концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш Концепцияси тўғрисида”ги 140-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

2. Концепция умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини белгилаб беради, жумладан:

- чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани Давлат таълим стандарти талабларини, таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлайди;

- чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани дастур ва дарсликларнинг мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнини тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этади;

- умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида дарслардан ташқари ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тўғарақларни жорий этишни таъминлайди;

- умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарликнинг ўзаро интеграциясини таъминлайди;

- ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини ва натижавийлигини таъминлашда инновацион педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этади;

- чақирувга қадар бошланғич тайёргарликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини оширади;

- ўқув йили давомида “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанидан олган назарий-амалий билимларни ҳарбий хизматда ва касбий фаолиятида қўллай билади;

- фан бўйича давлат таълим стандартларида кўзда тутилган компетенцияларга асосланган баҳолаш мезонларини жорий этишни таъминлайди.

2-боб. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанининг амалдаги жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар

Ҳозирги вақтда “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик”нинг амалдаги жорий ҳолати ва тўпланган тажрибалар таҳлилидан қуйидагилар маълум бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш зарур ва шартлиги, бу юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини бериши, бугунги кунда ташкилотлар рақамли технологиялардан мутлақо йироқда эканлиги алоҳида таъкидланиб, рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириши, шунингдек ортиқча харажатларни камайтириши, натижадорликни ошириши, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкинлиги асослаб берилди.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифлари белгиланди. Бу эса таълим тизимини модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш, юқори технологияли технопарклар, замонавий муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини барпо этишга янада кенг имкониятлар яратади.

Бугунги кунда халқ таълими тизимидаги янгиликлардан бири бу умумий ўрта таълим мактабларининг **10-11-синфларидаги ўқувчиларни ўқишини** давом этаётганлигидир. Ўқувчи ёшларимизда ўз Ватанига, Президентига содиқ бўлган, интеллектуал салоҳиятли, соғлом ва жисмонан бақувват авлодни шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасаларининг “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фани Давлат таълим стандартлари талабларида берилган таянч таълим мазмуни бажариш, ўқув дастурига замон талабларидан келиб чиқиб, фаннинг фалсафий ва методологик жиҳатдан янгиланишини, таълим мазмуни ва ўқитиш услубига нисбатан такомиллаштирилган, самарали бошқарув усулларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Фанни ўрганишда ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини инобатга олиб, ҳамда “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фани бўйича вужудга келган **қуйидаги муаммоларни** ҳал қилиш тақозо этади:

-миллийлаштирилган халқаро ва ДТС, талабларига жавоб берадиган такомиллашган ва мукамал ЧҚБТ Низоми ва фан дастурини ишлаб чиқиш;

-янги фан дастури асосида, барча талабларга мос келадиган ва ўқувчи ёшларни интеллектуал қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда, эски дарслик китобларидан тубдан фарқ қиладиган янги дарслик яратиш;

-“Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанини ўқитишда ҳар бир мавзулар кесимида замонавий педагогик технологияларини қўллаш методикасининг ишлаб чиқиш;

-“Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” ни ўзига ҳос хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган ўқув-моддий базалар ва ўқув моддий таъминотни барпо этиш;

-педагог-кадрларнинг сифати бугунги кун талабларига мос келмаслиги, уларни ўқитишни ва малакасини ошириш жараёнини тубдан қайта кўриб чиқиш ва замон талабига мос кадрларни тайёрлаш;

Мактабгача таълим тизимида.

Мактабгача таълимнинг мақсади болаларни мактаб таълимига тайёрлаш, болани соғлом, ривожланган ва мустақил шахс сифатида шакллантириш, ижодий қобилиятларини очиб бериш, мактаб таълимига тайёргарлигини таъминлаш ва иштиёқини тарбиялашдан иборат.

Мактабгача таълим тизимининг тайёрлов, ўрта, кичик, катта гуруҳлар болаларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган “Ватан химоячилари” кунига бағишланган тadbирни машғулот сифатида бир йилда бир маротаба юқори савияда ўтқазиб Ватанга бўлган меҳр туйғуларини янада ошириш, ва бу билан мактабгача таълим тизимининг тайёрлов, ўрта, кичик, катта гуруҳлар болаларини Ватанга муҳаббат туйғуларини, шунингдек аждодларимиз тарихи ва маданияти, миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш ҳисси ва уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш йўлидаги тadbирларни ислоҳ қилиш зарурияти ҳамда умумтаълим муассасалари билан мантиқий узвийликни таъминлаш яхши йўлга қўйлмаган.

Бу борада доимий равишда очиқ ҳавода болаларнинг ёшига мос ҳарбийлаштирилган ҳаракатли ўйинларни ўйнатиш, бино ичкасида эса сюжетли-ролли ўйинлар, ечиладиган ва йиғиладиган қурол-яроғ, жанговар техникаларни ёйиш-йиғиш, “Харбий денгизчилар” сюжетли-ролли ўйин, “Чегарачи” сюжетли-ролли йўин, Ҳарбий кийим ва уларнинг фарқли белгилари бўйича саводхонликни ошириш, “Биз-харбий разведкачилармиз” сюжетли-ролли ўйинлар, “Биз аскарлармиз”, “Чегарачилар”, “Аскарлар”, “Учувчи” мавзусидаги расмлар асосида ҳикоя тузиш каби машғулотлар ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Умумтаълим тизимида.

Ўқувчиларга таълим беришнинг замонавий инновацион услубларини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти кейинги 10 йил ичида дунёнинг тараққий этган индустриал-технологик локомотивлари қаторига кириши, яъни 2030 йилга келиб иқтисодиётнинг саноат ва технологик

тармоқлари бўйича жаҳонда етакчи давлатлардан бирига айланишига замин яратишда муҳим шартлардан биридир.

Халқ таълими вазирлиги тизимида 11 йиллик таълим жорий қилиниши ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг функциялари ўзгариши ҳисобига “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанини ўқитишнинг институционал ривожланишида айрим бўшлиқ ва камчиликлар юзага келган, шу жумладан:

“Чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш ва уни амалга оширишни тартиби тўғрисидаги Низом” Халқ таълими вазирлиги тизимида 11 йиллик таълим жорий қилиниши ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг функциялари ўзгариши билан умумий ўрта таълим мактабларида “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш ва уни амалга ошириш бўйича ни тартиби тўғрисидаги Низом” ханузга такомиллашган ва мослаштирилган варианти тасдиқланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва бошқа манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотларни Чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш ва уни амалга ошириш бўйича фаолиятларини мувофиқлаштирувчи (кординацион) марказнинг иш фаолияти ҳозирги кун талабига жавоб бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида Чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш ва уни амалга ошириш бўйича фаолиятларини мувофиқлаштириш ишларини юритувчи ва назорат қилувчи мутахассис методист штати жорий этилмаган. *(ҳозирда бу вазифа бошқа фан методистига қўшимча тарзда бириктириб қўйилган)*

“Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фани ДТС, ўқув режаси, намунавий дастурининг ҳозирги мазмунини ишлаб чиқишда манфаатдор вазирликларнинг вакилларисиз тайёрланган, натижада фан дастурининг мукамаллиги таъминланмаган. (меъёрлар, ва ўқув дастурининг ҳар бир бўлимини ўқитиш учун табелли буюмларни акс эттирувчи иловалар киритилмаган)

“Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанининг илмий методик таъминоти (дарслик, ўқитувчи китоби, иш дафтари, мультимедиа иловалар, дидактик материаллар ва бошқа) мазмун ва моҳияти жиҳатидан ўқувчи ёшнинг руҳий, физиологик ва жисмоний имкониятлари назардан четда қолган. Шунингдек мазкур манбалар яратишда янги адабиётлар яратиш концепсияси талабларига тўлиқ амал қилинманган.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган амалдаги “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фани мазмуни, мустақил ҳаётда қўллаш ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш учун кифоя бўлмайди;

Умумий ўрта таълим мактаблари учун “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек жамоат ташкилотларининг ушбу соҳадаги асосий вазифаларини

хамда чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш ва уни амалга ошириш тартибини белгиловчи Низом ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида Чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш ва уни амалга ошириш бўйича фаолиятларини мувофиқлаштириш ишларини юритувчи ва назорат қилувчи мутахассис методист штатини жорий этиш.

“Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанини ўқитишда ҳар бир мавзулар кесимида замонавий педагогик технологияларини қўллашда умумтаълим фанлари бўйича фанлараро боғланиш ва амалий ёндашувни ҳисобга олган ҳолда дарслик, ўқув қўлланма, ўқув методик қўлланма ва методик тавсиялар тайёрлаш;

“Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанига оид дарслик, ўқув қўлланма, ўқув методик қўлланма ва методик тавсияларга мувофиқ, уларнинг мазмунидан келиб чиқиб кўرғазмали воситалар: ўқув фильмлари, мультимедиялар тайёрлаш.

ЧҚБТ ташкил этиш ва уни амалга ошириш бўйича ни тартиби тўғрисидаги Низом” ининг IV -боби талабига мувофиқ ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчиси лавозимига тайинланадиган номзодлар таълим муассасаси томонидан туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими билан ҳамкорликда танлаш. Бунда номзоднинг маълумоти, ҳарбий, жисмоний ва педагогик тайёргарлигининг савияси, шунингдек ташкилотчилик қобилияти ҳамда услубий кўникмалари пухта шаклланганлиги ҳисобга олинади.

ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчиси лавозимига олий таълим муассасаларининг «Чақирикқача ҳарбий таълим» йўналишларини тамомлаган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги тажрибали офицерларни тайинлаш.

ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчиси лавозимига юқорида қайд этилган талаблар бўйича ишга олиш имкони бўлмаган ҳолатларда, истисно тариқасида, педагог мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлган захирадаги (резервдаги) оддий аскар ёки сержант ҳарбий унвонидаги шахслар тайинлаш.

Профессионал таълим тизимида.

Усиб келаётган ёш авлодни Ватанга садоқатли, жисмонан соғлом, шижоатли, ватанпарварлик рўҳида тарбиялаш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига тайёрлаш мақсадида таълим муассасаларида Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани мукаммал ўқитилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги кунда профессионал таълим муассасаларида Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги фани ўқитилишида ва машғулотларни ташкиллаштиришда баъзи камчиликлар мавжуд:

таълим муассасаларида дарс машғулотларини самарали ташкиллаштириш ва ўқувчиларни Қуролли Кучларимизда мавжуд бўлган

курол аслахаларга қизиқтириши ва билим қуникмаларини ошириш учун ўқув кургазмали куролларни етишмаслиги;

амалий машғулотларни утиш учун махсус майдонларни ташкил қилинмаганлиги ва ўқув моддий баъзасини талаб даражасида жихозлаш учун кургазмали куролларни йўқлиги;

ўқувчиларни таълим олиши учун керак бўладиган замонавий инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш учун техник воситаларининг этишмаётганини мисол қилишимиз мумкун.

Олий таълим тизимида.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмалари тўғрисида **НИЗОМ** (*Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 октябрдаги 809-сон қароригаилова*) Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ва «Мудофаа тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлайдиган Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда ОТМ деб аталади) ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмалари (ҳарбий таълим факультетлари, ҳарбий кафедралар, циклар ва курслар) фаолиятининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгилайди.

Хозирги кунда ҳарбий таълим факультетида талабаларни ўқув дастурларига мувофиқ белгиланган ҳарбий-ҳисоб ихтисосликлари бўйича сифатли тайёрлашни таъминлаш учун мўлжалланган моддий ва техник воситалар, бино ва қурилмалар комплекси ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмаларининг ўқув моддий-техник базасини такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Ўқув моддий-техник база талабалар билан ўтказиладиган ўқув жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишнинг моддий асоси ҳисобланиши инобатга олинганда ва ушбу база илм-фан ҳамда техниканинг замонавий ривожланиш даражасига мос бўлиши учун факультетдаги мавжуд аҳвол талаб даражасида деб бўлмайди.

Факультетни «Чақириққача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш билан бир қаторда резерв ва захирадаги офицерларни тайёрлаш дастури бўйича талабалар ҳарбий тайёргарлигини таъминлашидан келиб чиқиб ҳарбий тайёргарлик фанлари учун ўқув соатлари ва машғулотлар турлари тақсимооти ўқув режалари ва ҳарбий тайёргарлик дастури билан белгиланади.

Факультет штати таҳсил олаётган талабалар сони ва профессор-ўқитувчиларнинг ҳақиқий ўқув юкламасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги томонидан Мудофаа вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади ва ушбу таълим йўналиши бўйича давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув режаларига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ ўзгартирилади.

ДТС, ўқув ва ишчи ўқув фан дастурларининг давр талабига кўра такомиллашувидан келиб чиқиб ўқув адабиётларини яратиш, яратганда ҳам

янги адабиётлар яратиш концепсияси талабларига асосланиб яратиш шу куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган.

3-боб. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик концепциясининг асосий мақсади ва ривожланишининг устувор йўналишлари

Қуйидагилар “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ҳисобланади:

“Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” таълимни ЎР Қуролли Кучларида олиб борилаётган ислоҳатлар ва меҳнат бозори талаблари асосида модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш;

“Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанининг мақсади:

Ватанга бўлган меҳр туйғуларини янада ошириш, уларнинг ностандарт вазиятларда тезкор ва тўғри қарор қабул қила олиши, фикрлаш ва дунёқарашларини кенгайтириш;

аждодларимиз тарихи ва маданияти, миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш ҳисси ва уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш;

ўқувчи ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ва уларнинг қалбига, онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканлигини чуқур сингдириш;

таълим сифатини ривожланиб боришининг шакллантириш;

дарсларни тўлиқ давлат таълим стандартлари талабларини бажаришларига эришиш;

ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиясини шакллантириш ва миллий армиямизнинг қудратини ошириш;

замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника намуналарини қисқа муддатларда ўзлаштириб олишга тайёр бўлиши;

фавқулотда вазиятларда ўзини ва бошқаларни ҳимоя қилиш, давлатимизнинг маънавий ва моддий неъматларини сақлаш йўлида ташаббус кўрсата оладиган жамиятимизнинг фидойи ва ватанпарварларини тайёрлаш;

ёшларнинг ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетини шакллантириш;

ҳарбий соҳа бўйича назарий-амалий билим ва кўникмаларини ошириб, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишга тайёрлаш.

ёшларимизни ҳозирги замон талаблари, таълим соҳасидаги жаҳон андозалари ва миллий ривожланиш манфаатларига мос қилиб тарбиялашдан иборат.

I. “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” ўқув фанининг тузилиши ва мазмуни.

Умумтаълим тизимида.

Умумий ўрта таълим тизимида “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фани қуйидагилардан иборат:

Ҳарбий-Ватанпарварлик тушунчасининг мазмун моҳияти, ўқувчи ёшларни Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматнинг ҳуқуқий асослари;

Ҳарбий санъат тарихининг шаклланиши ва тарихий қаҳрамонларимизнинг ватанпарварлиги, буюк саркарда Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва ҳарбий маҳорати;

Умумқўшин жанги асослари, ахборот курашлари ва мафкуравий ҳимоя, куролли тўқнашувлар ҳуқуқи;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат Низоми, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом Низоми, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Саф Низомларидан иборат.

Профессional таълим тизимида.

Профессional таълим тизимида “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фани қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни, умумий ҳарбий мажбурият тушунчаси ва унинг моҳияти, ҳарбий хизмат турлари, ҳарбий хизматга чақирилиш муддатини кечиктириш, ҳарбий хизматга чақирилишдан озод этиш, фуқароларнинг ҳарбий рўйхатдан ўтиш бўйича мажбуриятлар;

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Ҳарбий жиноятлар;

Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар ҳамда ҳарбий жиноятларни содир этганлик учун жавобгарлик;

Муддатли ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантиришлар ва интизомий таъзир чоралари, муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ариза, шикоятларни бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби;

Гарнизон ва қоровуллик хизматлари Низомининг умумий қоидалари, қоровуллик хизмати, қоровулнинг таркиби ва вазифалари, соқчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

Ҳарбий операцияларни режалаштиришга қўйилган асосий талаблардан иборат.

Олий таълим тизимида.

Ўзбекистон Республикасининг “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низоми ва “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш Концепсияси”, “Шунқорлар ҳарбий-спорт ўйинлари тўғрисида”ги Низом ва унинг ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашдаги аҳамияти;

таълим муассасаси раҳбарларининг ЧҚБТни ташкил этиш бўйича мажбуриятлари;

Ўқув машғулотларини режалаштиришнинг мақсад ва вазифалари, ўқув муассасаларида ишлаб чиқиладиган йиллик режалар ва уларнинг тузилишига қўйиладиган талаблар, ўқув муассасасининг ЧҚБТ бўйича ўқув - моддий базаси ва моддий-техник таъминоти, қурол-аслаҳа ва ўқ-дориларни сақлаш хонаси;, ЧҚБТ фани бўйича машғулотларни ўтказишнинг асосий шакл ва услублари;

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни ҳарбий хизматнинг қонуний асослари сифатида, Ўзбекистон Республикасининг “Мудофа тўғрисида”ги Қонуни ва ҳарбий Доктринаси Ўзбекистон Республикасининг мудофаси, умумқўшин жангининг тавсифи, унинг мақсади тўғрисида.

Дала ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш:

“Ҳарбий қисмларда жисмоний тайёргарлик”, жисмоний тайёргарликнинг мақсад ва вазифалари, жисмоний тайёргарликнинг асосий воситалари, шакл ва услублари, жисмоний тайёргарлик устидан назорат олиб бориш, амалга оширилган тадбирлар ва эришилган натижалар ҳисобини юритиш;

Тиббий билим асослари:

Шикастланганда, бахтсиз ҳодиса содир бўлганда ва жароҳатланганда (яраланганда) биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, радиатсия ва кучли таъсир этувчи захарли моддалар билан зарарланганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, инсон соғлигига таъсир этувчи табиий омиллар (Совуқ олиши, офтоб уриши, иссиқлик элтиши, газандалар чақиб олиши ва б.), жароҳатлар тўғрисида тушунча, юқумли касалликлар ва уларни олдини олишдан иборат.

II. “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанининг ўқув-методик таъминотини ривожлантириш.

“Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанининг илмий методик таъминотини ривожлантириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

-илғор хорижий тажрибалар, халқаро стандартлар ва миллий анъаналар уйғунлигида “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фани бўйича миллий дастур ишлаб чиқиш;

-ўқув режага мувофиқ “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанининг мавзулар бўйича ҳажми, мазмуни, ўрганиш кетма-кетлиги, узвийлиги ва шакллантириладиган компетенциялари асосида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;

-“Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фани бўйича умумий ўрта таълим, профессионал таълим ва олий таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талабларини соҳадаги узвийликни инобатга олган ҳолда ягона малака талабини ишлаб чиқиш;

-“Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанининг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, малака талаблари ва шакллантириладиган компетенциялардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

Ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқишга қуйидагича талаблар қўйилади:

а) дидактик талаблар:

-ўқувчи томонидан ўқув материалларининг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш;

-мавзулар ахборот беришга эмас, балки ўқув фанининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадларига хизмат қилиши;

-ўқувчиларни Ватанга муҳаббат, миллий ифтихор, ёш авлоднинг маданиятини, миллий бойликларга нисбатан эҳтиёткорлик ва тежамкорлик муносабатини ўстириши;

-илмий дунёқарашни шакллантириш, ватанпарварлик ва миллатлараро тотувлик талабларига жавоб бериши, аниқ далилларга асосланган материаллардан таркиб топиши;

-расмлар кўринишидаги иллюстрациялар хариталари, жадваллар, диаграммалар ва фотосуратлар билан безатилган бўлиши;

б) илмий-методик талаблар:

-фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ўзида акс эттириши, ўқув фани мавзуларининг мазмунан яхлитлиги таъминланган бўлиши;

-ўқув фани мавзулари ўзбек адабий тили қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда оддий ва содда, тушунарли ва раво тилда баён қилиниши;

-миллий ғоя ва Ўзбекистон халқининг менталитетига зид бўлмаган тегишли иллюстрациялар билан бойитилиши;

-саволлар ва амалий машғулот топшириқлари аниқ ифодаланган бўлиши;

-ўқувчиларни фикрлашга, ёзишга, тасвирлашга, таҳлил қилишга, амалий топшириқларни бажаришда педагогик технологияларнинг турли метод ва усулларидан фойдаланиш назарда тутилган бўлиши;

в) педагогик-психологик талаблар:

-ўқувчиларни рўхий жихатдан ҳар томонлама шакллантириш;

-ўқув фани мавзуларининг тингловчининг ёши ва психофизиологик хусусиятларига мос ҳолда берилиши, маълум фактлар, тушунчалар, қоидалар ва фанлараро боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда тушунарли баён қилиниши;

г) эстетик талаблар:

-матнлар ўқувчига маълум ижобий ҳиссий таъсирларни ўтказиши ва ўқув фанига қизиқиш уйғотиши;

-бўлим, боб, параграф ва мавзулар матнларининг турли шакл ва ранглар билан ажратилиши, мутаносиблиги таъминланиши;

-расм ва хариталар бадиий эстетик талабларга жавоб бериши, аниқ ва тиниқ ифодаланиши лозим.

д) гигиеник талаблар:

-матн ва иллюстрациялар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос бўлиши;

-харфларнинг катталиги ва қоғознинг сифати (оғирлиги, қалинлиги, оқлиги ва шаффофлиги) меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга мос бўлиши лозим.

III. “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанининг моддий-техник таъминотини ривожлантириш.

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанининг моддий-техник базасини яратишда:

1. “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” хонаси,
2. Қурол сақлаш хонаси,
3. Қуролни тозалаш столи,
4. Саф майдони,
5. Тўсиқлар майдони,
6. Взвод бўйича суткалик нарядни ўрганиш жойи,
7. Тактик майдон,
8. Жасорат бурчаги,
9. Жанговар музей,
10. Тиббиёт хонаси,
11. Фуқаро муҳофазаси хонаси.
12. Ўқ отиш майдончаси (Тир.)
13. Спорт майдончаси.

Ҳарбий таълим хонасини янги дастур асосида (плакатлар) билан жихозлаш;

Дастурга (табелга) асосан (макетларга) кўрғазмали қуролларга эга бўлиш;

Ўқув-услубий материаллар, компьютер, интерактив доска, ва ўқув кўрғазмали қуролларнинг электрон ресурслар планшет ва мултимедиа ресурслари, интернет, видеокузатув тизимлари билан жиҳозлашни таъминлаш, уларнинг ўз вақтида янгилаб бориш чораларини кўриш;

IV. “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” таълими жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш орқали инновацион инфратузилмани шакллантириш.

“Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фани бўйича электрон китобларни мобил ускуналарга юклаб ва кўчириб олиш мақсадида QR-код ёрдамида синфлар кесимида ўқув-методик мажмуалар (инновацион дарслик, ўқитувчилар учун методик қўлланма, дарсликларнинг мултимедиали иловалари, QR-код орқали адабиётлардаги расмларнинг 5D моделларни куриш имкони) ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;

Ўқувчиларни кўшимча қизиқарли янгиликлардан матн, аудио, видео шаклларида хабардор қилиб туриш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш;

Масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимига “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фани бўйича ишлаб чиқилган ўқув-методик мажмуаларни, электрон таълим ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

“Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанидан ўқитувчилар учун амалий топшириқларни бажаришга мўлжалланган услубий қўлланмалар, электрон дарслик ва электрон видеонамойишлар тўпламини янги дастур асосида такомиллаштириш;

“Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фани бўйича ҳарбий-спорт мусобақаларда иштирок этиш ва лаёқатли ўқувчилар иштирокини таъминлаш.

V. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани бўйича битирувчиларга қўйиладиган талаблар

Эстетик маданият ва ижодкорлик компетенцияси:

Ҳарбийча одоб-ахлоқ, шахсий ва жамоавий гигиена қоидаларига қатъий амал қилади;

Умумҳарбий низом талабларига амал қилади;

алоқа тармоқларидан фойдаланганда муомала маданиятига амал қилади;

Мудофаа доктринаси ва “Умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизматни ўташ тўғриси”даги қонунларнинг мазмун моҳиятини англайди

Ватан ҳимояси йўлида ўзининг конституциявий ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англайди;

Авлод-аждодларининг хоки-пойи қўйилган юртини ҳар қандай қуролли тажовуздан ҳимоя қилишдек муқаддас бурчини адо этишга ўз ҳиссасини қўшади;

Ҳарбий қасамёд қабул қилишда ватанга бўлган садоқатини намоён қилади.

Ўз-ўзини ривожлантириш ва асраш компетенцияси:

Танани чиниқтириш, соғломлаштириш ҳамда уни ташқи таъсирлардан ҳимоя қила олади;

Фавқулотда огоҳ этувчи сигналлар берилганда тўғри ва тартибли ҳаракатлана олади;

Аҳолини ва моддий бойликларни юзага келиши мумкин бўлган фавқулотда вазиятлар оқибатларидан муҳофаза қилиш жараёнида амалга оширилаётган умумдавлат тизимининг тузилишга риоя қила олади;

Зарарланган ҳудудларда фавқулотда ҳолатларни бартараф эта олади;

Фавқулотда вазиятларда тўғри ҳаракатланади;

Фавқулотда вазиятлар чоғида ўзига ва жароҳатланганларга биринчи тиббий ва бошқа зарурий ёрдамни кўрсата олади;

Ўзининг энергетик қуввати бўйича суткалик ратсионал меъёрий тақсимланиш тартибига амал қила олади;

Бактериологик ва касаллик тарқатувчи микроблардан ҳимояланиш воситаларидан тўғри фойдалана олади;

Оммавий қирғин қурооллардан ҳимояланишда шахсий ҳимоя воситаларини қўллай олади.

Амалий фаолиятни ривожлантириш компетенцияси:

Буйруқ бериш, буйруқни бажариш тартиби, бўлинма (взвод) бўйича посбон ҳаракатларини бажаради;

Саф (буйруқлар, сафланиш, юриш, қаторларга бўлиниш) машқларини кундалик ҳаётида қўллай олади;

Умумривожлантирувчи машқлар комплектини бажара олади;

Ҳужум ва мудофаа жангида ҳаракатланиш тартибини бажаради;

Қўл жанги усулларидан тўғри фойдалана олади;

Қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югуриш техникасини қўллай олади;

Жойда харитасиз мўлжал олиш ва азимут бўйича ҳаракатланиш усулларидан фойдалана олади;

Тўсиқлар йўлагидаги тўсиқлар мажмуасидан тўлиқ ўтишни билади;

Ҳарбий қуроол-аслаҳалардан самарали фойдаланади;

Жисмоний машқларни кетма-кетликда бажаради ўзига белгиланган юкламаларни тўғри тақсимлай олади;

Машқларни бажариш жараёнида ҳаракатланиш тартиби ва усулларини тўлиқ ўзлаштира олади;

Фавқулотда ҳолат эълон қилинганида, ёнғин чиққанида шахсий таркибда ҳаракатлана олади;

Куч машқлари мажмуасини туза олади ва бажаради;
 Умумжисмоний тайёргарлик машқларини амалдаги меъёрларига амал қилган ҳолда бажаради;
 Лабиринт йўлакларидан югуриб ўта олади;
 Касб турини онгли ва мустақил равишда танлай олади;
 Аҳолини кўчириш (эвакуация) вақтида тартиб қоидаларига амал қилади.

Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;
 гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳдил қила олиши;

Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан уз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга булиши;

табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ходисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга булиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва уз касб фаолиятида фойдалана билиши;

инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган булиши, уз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга булиши;

янги билимларни мустақил эгаллай билиши, уз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти туғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, узини жисмоний чиниқтириш ўқув ва куникмаларига эга бўлиши лозим.

Касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий талаблар:

таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга дойр замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;

яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;

таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг узаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;

таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларида унумли фойдаланиш; уқувчиларнинг буш вақтини самарали ташкил этиш ва утказиш;

таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш қобилиятларига эга булиши керак.

Илмий-тадқиқот фаолиятларига қўйиладиган умумий талаблар:

илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тупламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини урганиш;

илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш қобилиятларига эга булиши керак.

Маънавий-маърифий фаолиятларига қўйиладиган умумий талаблар:

маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, уқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

уқувчиларда мафқуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг урни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат утказиш;

миллий урф-одат ва маросимларни утказишда, умуминсоний кадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш қобилиятларига эга булиши керак.

Ташкилий-бошқарув фаолиятларига қўйиладиган умумий талаблар:

педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш; фикрлар ҳар хил булган шароитда тугри қарор қабул қилиш;

бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш қобилиятларига эга бўлиши керак.

4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

1. Таълим сифати кафолатининг ривожланиб боришининг яна бир омили пайдо бўлади;

2. Ўқитувчи дарсларни тўлиқ янги ДТС талаблари асосида ташкил этади ва стандарт талаблари бажарилади;

3. Маҳоратли ўқитувчиларнинг дарс машғулотларига қизиқиш ошади, ўқувчиларнинг давомати кўтарилади;

4. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбияси шаклланади ва миллий армиямизнинг қудратига ишончи ошади;

5. Ўқувчи ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ва уларнинг қалбига, онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч экани чуқур сингдирилади;

6. Аждодларимиз тарихи ва маданияти, миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш ҳисси ва уларга муносиб бўлиш туйғуси шаклланади;

7. Ўқувчиларни ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шаклланади;

8. Ўқувчилар ҳарбий соҳа бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиб, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишга тайёр бўладилар.

9. Талабларига мос келадиган топшириқлар билан ишлашга мўлжалланган амалий машғулотлар ҳамда топшириқларни мустақил бажаришга ва ижодий креатив фикрлашни ўргатади.

10. “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанини ўқитишда мактаб битирувчиларида профессионал таълим ёки олий таълимда ўқишларида замин яратилади.

11. Тингловчиларнинг ҳарбий соҳага бўлган қизиқиши уйғониб, келгусида ватан ҳимоячиси офицер бўлишдек мақсад уйғонади.